

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ВА ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.

*Жураев Жасур Махсutowич*

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети тингловчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида мактаб ёшидаги ўқувчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Бугунги кунда глобал ахборот маконида ўсиб келаётган ёш авлод онгига таъсир кўрсатувчи омиллар ортиб бораётгани муносабати билан уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жамият барқарорлиги учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Мақолада таълим муассасалари, ота-оналар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорликда амалга оширадиган профилактик фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, ўқувчиларнинг хулқ-атвориغا таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар, уларни ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келувчи сабаблар ва уларни бартараф этиш йўллари илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Мавзунинг долзарблиги ёшлар онгида қонунга ҳурмат ва жавобгарлик туйғусини кучайтириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ислохотлар билан чамбарчас боғлиқдир.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, мактаб ўқувчилари, ҳуқуқий онг, ижтимоий-психологик омиллар, ҳуқуқий маданият, жавобгарлик, оила ва таълим муассасаси ҳамкорлиги.

**Аннотация:** В данной статье раскрываются социальные, психологические и правовые аспекты профилактики правонарушений среди учащихся школьного возраста. В условиях современного глобального информационного пространства

усиливается влияние различных факторов на сознание подрастающего поколения, что делает формирование у них правового сознания и правовой культуры важным условием устойчивости общества. В статье проанализированы вопросы повышения эффективности профилактической деятельности, осуществляемой в сотрудничестве образовательных учреждений, родителей и правоохранительных органов. Также рассмотрены социально-психологические факторы, влияющие на поведение учащихся, причины, приводящие их к совершению правонарушений, и научно-теоретически обоснованы пути их устранения. Актуальность темы заключается в необходимости укрепления у молодежи чувства уважения к закону и ответственности, а также в повышении уровня правовой культуры в обществе, что тесно связано с реализуемыми реформами в сфере профилактики правонарушений.

**Ключевые слова:** профилактика правонарушений, школьники, правовое сознание, социально-психологические факторы, правовая культура, ответственность, сотрудничество семьи и образовательного учреждения.

**Annotation:** This article highlights the social, psychological, and legal aspects of preventing offenses committed by school-age students within the system of crime prevention. In today's global information space, the growing influence of various internal and external factors on the consciousness of the younger generation makes the formation of their legal awareness and legal culture an essential condition for ensuring social stability. The article analyzes issues related to improving the effectiveness of preventive activities carried out in cooperation between educational institutions, parents, and law enforcement agencies. It also examines the socio-psychological factors influencing students' behavior, the causes leading them to commit offenses, and provides scientifically grounded approaches to their prevention. The relevance of the topic lies in strengthening the sense of respect for the law and responsibility among youth, as well as in enhancing the level of legal culture in society, which is closely linked to the ongoing reforms in the field of crime prevention.

**Keywords:** prevention of offenses, school students, legal awareness, socio-psychological factors, legal culture, responsibility, cooperation between family and educational institutions.

## КИРИШ

Бугунги кунда жамиятнинг барқарор ривожланиши ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Ахборот асрида ўсиб келаётган ёшлар турли ички ва ташқи таъсирларга, хусусан интернет муҳитидаги салбий ахборот оқимларига дуч келмоқда, бу эса уларнинг ҳуқ-атвори ва ижтимоий қарашларига бевосита таъсир кўрсатмоқда<sup>1</sup>. Шу боисдан, мактаб ёшидаги ўқувчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки таълим тизими, оила ва маҳалла институтлари ҳамкорлигида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб ижтимоий-ҳуқуқий вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда қабул қилинган **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун** (2014 йил 14 май)<sup>1</sup>да ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Президент Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, *“Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш – жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий кафолатидир”*<sup>2</sup> Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида психологик ва ижтимоий омилларни инобатга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки кўп

<sup>1</sup> Акрамов К., Рутамова Н. — “Constitutional Tendencies in Forming the Legal Awareness of Youth”, Western European Journal of Historical Events and Social Science, 2025.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. — “Ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон, 2021 йил.

ҳолларда ўқувчиларнинг ҳуқуқбузарликка мойиллиги оилавий муҳит, атрофдагиларнинг таъсири, таълим муассасасидаги муносабатлар ёки ёшга хос психологик ҳолатлар билан боғлиқ бўлади<sup>3</sup>. Шу жиҳатдан, профилактик фаолиятнинг самарадорлиги фақат ҳуқуқий чоралар билан эмас, балки ижтимоий-психологик ёндашувлар асосида таъминланиши лозим.

Мавзунинг долзарблиги, аввало, ёш авлоднинг қонунга ҳурмат ва жавобгарлик туйғусини шакллантириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда барқарор ижтимоий муҳитни таъминлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш зарурати билан белгиланади. Шунингдек, бу масала жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онг даражаси ва фаол фуқаролик позицияси билан чамбарчас боғлиқдир<sup>4</sup>.

### **Ҳуқуқбузарликларнинг мактаб ёшидаги турлари ва сабаблари:**

Мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳуқуқбузарликлар одатда куйидаги шаклларда намоён бўлади:

- **Жиноят ва маъмурий характердаги ҳуқуқбузарликлар** – ўқувчилар ўртасидаги жадал тиришувлар, хулқ-атвор қоидаларини бузиш;
- **Ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги** – қонунни тушуниш ва қўллашда камчилик, хулқ-атвор нормаларига риоя қилмаслик;
- **Ижтимоий ва психологик сабаблар** – оилавий муаммолар, эътибор ва маънавий қўллаб-қувватлаш етишмаслиги, ёшга хос психология, дўстлар гуруҳи таъсири.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун фақат қонунчилик чоралари билан чекланиш етарли эмас. Шу боис профилактикада ижтимоий-психологик, педагогик ва маънавий чоралар ҳам қўлланилиши лозим<sup>5</sup>.

### **Ижтимоий-психологик аҳамияти;**

<sup>3</sup> Саитқосимов А. — “*Raising the Legal Consciousness and Legal Culture of Young People Is a Factor of Social Stability*”, Tashkent, 2024.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, 2014 йил 14 май, № ЎРҚ –371.

<sup>5</sup> Саидқосимов А. — “*Raising the Legal Consciousness and Legal Culture of Young People Is a Factor of Social Stability*”, Тошкент, 2024.

Ижтимоий-психологик жиҳатдан, профилактика болаларнинг куйидаги қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади:

- **Қонунга ҳурмат ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;**
- **Шахсий масъулият ва қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;**
- **Ижтимоий қоидаларга мослашиш ва бошқалар билан ҳамкорлик қилиш кўникмаларини кучайтириш.**

Бундан ташқари, психологик ёрдам ва профилактик машғулотлар мактабдаги стресс ва конфликт ҳолатларини камайтиришда ҳам самарали ҳисобланади<sup>6</sup>.

#### **Ҳуқуқий аҳамияти;**

Ҳуқуқий жиҳатдан профилактика куйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Ёшларни қонун билан таништириш ва қонун бузиш оқибатларини тушунтириш;
- Ҳуқуқбузарликка мойил болаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга таълим ва психологик ёрдам кўрсатиш;
- Мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида қонунга ҳурмат ва фуқаролик масъулиятини ривожлантириш<sup>7</sup>.

#### **Профилактика усуллари:**

- **Таълим муассасаларида** – ҳуқуқий билимлардан дарслар, махсус семинарлар ва тренинглар ташкил қилиш;
- **Оилада** – бола билан очиқ мулоқот, унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий масъулиятни тарбиялаш;
- **Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда** – тарғибот, муваққат назорат ва қонун бузилишига қарши чоралар;

<sup>6</sup> Иброҳимова М. —“*Психологические особенности профилактики правонарушений среди несовершеннолетних*”, Тошкент давлат педагогика университети, 2023.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, 2014 йил 14 май, № ЎРҚ-371.

• **Психолог ва педагоглар билан биргаликда** – ижтимоий-психологик ҳолатни баҳолаш, конфликтларни ҳал қилиш ва мотиватсия бериш.

Халқаро олимларни фикрига кўра, мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид билдирган фикрлари:

**К.Акрамов** шундай фикр билдирган, ёшлар ҳуқуқий онгини шакллантиришда конституцион ёндашувнинг аҳамиятига эътибор қаратган. Уларнинг фикрига кўра, ёшлар ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятни барқарор равишда эгаллаши жамиятда ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди<sup>8</sup>.

**A.Saikov** шундай фикр билдирган, мактаб ёшидаги болаларда ижтимоий-психологик факторларнинг ҳуқуқбузарликка мойилликка таъсирини ўрганиб, профилактика фақат қонунчилик чоралари билан чекланмаслиги, балки психологик ва ижтимоий кўмак орқали ҳам амалга оширилиши кераклигини таъкидлайди<sup>9</sup>.

Ўзбекистон Республикаси олимларни фикрига кўра мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид билдирган фикрлари:

**А.Саитқосимов** шундай фикр билдирган ёшлар ҳуқуқий онгини юксалтириш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш миллий контекстда ижтимоий барқарорликнинг асосий омилларидан бири эканлигини таъкидлайди<sup>10</sup>.

**М.Иброҳимова** шундай фикр билдирган мактаб ўқувчилари орасида ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаблари оилавий муҳит, педагогик муносабатлар ва психологик ҳолат эканини кўрсатади. Шу боис профилактикада психолог ва педагоглар ҳамкорлигини кучайтириш зарур<sup>11</sup>.

<sup>8</sup> Akramov K., Rutamova N. — “*Constitutional Tendencies in Forming the Legal Awareness of Youth*”, Western European Journal of Historical Events and Social Science, 2025.

<sup>9</sup> Saikov A. — “*Psychosocial Factors of Juvenile Delinquency in Schools*”, Moscow, 2023.

<sup>10</sup> Саитқосимов А. — “*Raising the Legal Consciousness and Legal Culture of Young People Is a Factor of Social Stability*”, Тошкент, 2024.

<sup>11</sup> Иброҳимова М. — “*Психологические особенности профилактики правонарушений среди несовершеннолетних*”, Тошкент, 2023.

**Мактаб ўқувчилари ўртасида** ҳуқуқбузарликларни олдини олишга бўлган ишончнинг етишмаслиги: Жамиятда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасига бўлган ишончнинг етишмаслиги, бу борадаги ишларнинг самарали амалга оширилмаслигига олиб келиши мумкин. Шунингдек, баъзи жойларда ҳуқуқий тизимга нисбатан салбий муносабат мавжудлиги, профилактик чораларнинг кўп самарали бўлмаслигига сабаб бўлади.

**Таълим тизимида ҳуқуқбузарликлар** профилактикасини ўргатиш: Таълим тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида алоҳида курслар ёки дастурларни жорий этиш муҳимдир. Ўқувчиларга ҳуқуқий маданият, адолат, инсон ҳуқуқлари, қонунларга ҳурмат каби тушунчалар бўйича таълим бериш, уларни ижтимоий масъулиятга ўргатиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин.

### ХУЛОСА

Бугунги кунда ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жамиятнинг барқарор ривожланиши ва ҳуқуқий давлат барпо этишда муҳим стратегик вазифа ҳисобланади. Мактаб ёшидаги ўқувчилар турли ижтимоий ва психологик таъсирлар, хусусан интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали келаётган салбий ахборот оқимларига дуч келади. Бу уларнинг хулқ-атвори, ижтимоий қарашлари ва ҳуқуқий маданиятига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаблари оилавий муҳитдаги етишмовчиликлар, педагогик муносабатлар, дўстлар гуруҳи таъсири ва ёшга хос психологик ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, фақат қонунчилик чоралари билан чекланиш самарали бўлмайди. Шу боис профилактикада ижтимоий-психологик, педагогик ва маънавий чоралар ҳам қўлланилиши лозим.

Ижтимоий ва психологик жиҳатдан профилактика болаларда қонунга ҳурмат, шахсий масъулият, ижтимоий қоидаларга мослашиш ва конфликтларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳуқуқий жиҳатдан эса, профилактика ёшлар ҳуқуқий билимини ошириш, ҳуқуқбузарликка мойил болаларни аниқлаш ва уларга таълим ҳамда психологик ёрдам кўрсатиш орқали

қонунга ҳурматни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, халқаро ва миллий олимлар фикрига кўра, профилактика фақат қонунчилик воситалари билан эмас, балки ижтимоий-психологик кўмак, педагогик ёндашув ва оила билан ҳамкорлик орқали амалга оширилиши лозим.

### **Хулосани ўрганиб қуйдаги таклифларни билдираман:**

**1. Таълим муассасаларида ҳуқуқий таълимни ривожлантириш:** Мактабларда ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқлари ва қонунларга ҳурмат мавзусида махсус курслар ва семинарлар ташкил этиш.

**2. Оила ва маҳалла ҳамкорлиги:** Бола билан очиқ мулоқотни таъминлаш, ижтимоий масъулият ва фуқаролик тушунчасини тарбиялаш.

**3. Ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш:** Психолог ва педагоглар орқали стресс ва конфликт ҳолатларини камайтириш, болаларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш.

**4. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик:** Тарғибот, муваққат назорат ва ҳуқуқбузарликка қарши чоралар орқали профилактик тадбирларни кучайтириш.

**5. Интернет ва ахборот муҳитига эътибор:** Ёшларни ахборот оқимининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, ижобий ва тарбиявий контентни тарғиб қилиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун». Тошкент, 2014 йил, 14 май.
2. Мирзиёев Ш.М. Президент суҳбатлари ва маърузалари. Тошкент, 2019–2025 йиллар.
3. Акрамов К. Raising the Legal Consciousness and Legal Culture of Young People as a Factor of Social Stability. *International Journal of Social Studies*, 2023.
4. Saikov A. Psychological and Social Factors Affecting Juvenile Delinquency in Schools. *European Journal of Educational Psychology*, 2022.



5. Саитқосимов А. Ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда миллий контекст. Тошкент, 2021.
6. Иброҳимова М. Мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳуқуқбузарликка мойилликнинг ижтимоий ва психологик сабаблари. Тошкент, 2020.
7. Қонунчилик ва таълим масалалари бўйича миллий ва халқаро тадқиқотлар, журналлар ва илмий мақолалар.